O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 18 апрель, № 73 (3872) Сешанба

Таркибий ислоҳотлар кўламларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳамда иқтисодиётни модернизациялаш, уни ўстиришнинг барқарор юқори суръатларини, барқарор ва мутаносиблаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш, хусусий мулкчилик секторини мустаҳкамлаш ва бизнес учун қулай муҳитни шакллантириш, аҳоли даромадларини ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарти сифатида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ҳамда 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида қўйилган асосий вазифалар ана шулардан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш натижаларини таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишни таъминлаш бўйича вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 апрелда бўлиб ўтган мажлиси қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев олиб борди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш давомида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ижобий сифат силжишларига эришилди. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 2005 йилнинг шу давридагига нисбатан 3,6 фоизга ўсди. Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг саноатда 6,8 фоизга, қишлоқ хўжалигида 4,5 фоизга, қурилишда 3,6 фоизга, транспорт ва алоқа тармоқларида 7,3 фоизга, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 6,3 фоизга кўпайишига эришилди. Ушбу ижобий жараён инвестицияларни ва экспорт ҳажмларини кўпайтириш орқали мустаҳкамланди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 387,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва таркибий ўзгартириш бўйича кўрилган қатъий чора-тадбирлар таркибий ўзгартирилаётган 484 корхонадан 324 тасида ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият кўрсаткичларини яхшилаш имконини берди.

Хусусийлаштириш дастурига мувофиқ 208 корхона, объектлар ҳамда акциялар ва улушларнинг давлат пакетлари мулкчиликнинг нодавлат шаклларига айлантирилди ва биржа ҳамда биржадан ташқари савдоларда, улардан 142 (68,2%) объект тўлиқ хусусий секторга сотилди.

Ҳукумат томонидан ишчанлик муҳитини яхшилаш, солиқ юкини пасайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг юқори суръатларда ўсишига ҳамда уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2005 йил I чорагидаги 28,2 фоиз ўрнига 30,1 фоизгача кўпайтиришга ёрдам берди.

Иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотлар кўламларини кенгайтириш ва уни модернизациялаш мақсадида 615,6 миллиард сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, улардан 67 фоизини ишлаб чиқариш мақсадидаги инвестициялар ташкил қилди. Ўзлаштирилган хорижий кредитлар ва инвестициялар миқдори 86,9 миллион долларни, шу жумладан тўғридан-тўғри инвестициялар 57,1 миллион долларни ташкил этди.

Бир қатор корхоналар фойдаланишга топширилди, трикотаж газлама ва тайёр трикотаж буюмлар ишлаб чиқарадиган "ТошКая текстиль", ип-калавалар ишлаб чиқарадиган "Марғилонтекс", "Балиқчитекс" қўшма корхоналари шулар жумласидандир. Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус темир йўл линиясини реконструкция қилиш, Тошкент иссиқлик энергия марказини модернизациялаш, Резаксой сув омборини ва бошқа шу каби йирик объектларни қуриш ишлари давом эттирилди.

Маҳаллийлаштириш дастурини бажариш кўлами кенгаймоқда. Уни амалга ошириш доирасида бугунги кунда 119 корхона ишлаяпти, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳисобланган самараси 241 миллион долларни ташкил қилди.

Истеъмол бозорини, савдо ва пулли хизматлар кўрсатишни ривожлантиришда, уй-жой-коммунал хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишда ижобий натижалар кузатилмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги қайта ўзгартиришлар чуқурлашмоқда. Тармоқда ялпи маҳсулотнинг ўсиши 2005 йилнинг тегишли давридагига нисбатан 104,5 фоизни ташкил қилди. Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш суръатлари ошмоқда. Қайта ташкил этиш жараёнига 219 мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатлари қўшилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларини ҳал этишга, ижтимоий соҳани ривожлантиришга катта эътибор берилди. Соғлиқни сақлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимларини ислоҳ қилиш дастурларида, шунингдек, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Дастурида назарда тутилган тадбирлар режали асосда амалга оширилмоқда.

Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида мактабларнинг махсус комиссиялари қарорлари билан ўқитувчиларнинг 41 фоизига мактабларнинг махсус ташкил этилган директор жамғармаларидан тўланадиган устамалар белгиланди, қарийб 370 минг тиббиёт ходимлари янги тарификация бўйича иш ҳақи олишмоқда, унга мувофиқ иш ҳақининг ўсиши ўртача 30 фоизни ташкил қилди.

Шу билан бирга, мажлисда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қатор йўналишлари бўйича белгиланган топшириқлар тўлиқ бажарилмаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Шу муносабат билан эришилган натижаларда тўхтаб қолиш мумкин эмаслиги, балки республика ҳукуматининг жорий йилнинг 10 февралидаги мажлисида белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Молия вазири Р.Азимов маърузасида асосий эътибор 2006 йил I ярим йиллигидаги прогноз параметрларини сўзсиз бажаришга доир чора-тадбирларга қаратилди. Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблигини сақлаб қолиш масаласига, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини кўпайтириш, корхоналарнинг фойда олишини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш учун мавжуд резервларни сафарбар этиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор берилди.

Тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг депозит ҳисоб рақамларидан ва жисмоний шахсларнинг омонатларидан нақд маблағларнинг узлуксиз берилишини таъминлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик қарзларини қисқартириш учун кўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ишларига пойтахт истеъмол бозорини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турлари билан тўлдириш масалаларини ҳал этиш бўйича назоратни сусайтирганлиги учун принципиал баҳо берилди. Ушбу масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаевнинг ҳисоботлари эшитилди. Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари А.Болтабоев ва Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари П.Тангриевнинг ҳисоботлари маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш бўйича минтақавий дастурларнинг бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини ошириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилди.

Мажлисда "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси раиси Р.Рўзиқулов, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси раиси Э.Зикриёев ва "Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси раиси М.Худоёровнинг фаолияти корхоналарни молиявий соғломлаштириш, уларда қайта ишланаётган маҳсулотларнинг зарур даражада ҳисобга олинишини ва уларни сотиш тартибига риоя қилинишини таъминлаш масалаларидаги мавжуд камчиликлар учун қаттиқ танқид қилинди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Жўраев, Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Қ.Рофиев, Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари Ш.Ибрагимов ва Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳайтқуловнинг ҳисоботлари қишлоқ хўжалиги секторидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг боришига бағишланди.

Мажлисда сўзга чиққанлар томонидан қишлоқ хўжалиги ширкатларини фермер хўжаликларига, шу жумладан мева-сабзавотчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларига айлантириш якунларига баҳо берилди, фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этишдаги ҳамда уларга хизмат кўрсатиш учун бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмалари объектларини ташкил қилишдаги мавжуд камчиликлар очиб ташланди. Мини-банклар ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар етиштиришни ташкил этиш учун фермер хўжаликларига ўз вақтида кредитлар ажратиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Мажлисда чигит экишни ва зарур агротехника тадбирларини муваффақиятли ўтказиш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Халқ таълими вазири Т.Жўраев, Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Молия вазирининг ўринбосари Ж.Кўчқоров, Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Р.Раҳматуллаев ва Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи А.Сагировнинг ҳисоботлари халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этишнинг боришига бағишланди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида мазкур вазирликлар ва уларнинг ҳудудий органларининг малакали ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ҳамда тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш, педагоглар ва тиббиёт ходимларининг шахсий ҳиссасини, ўқув-тарбия жараёни натижадорлигини ва кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини ошириш даражасини ҳисобга олган ҳолда уларга устамалар белгилашда мустақиллик ва масъулиятлилик принципларини мустаҳкамлаш борасидаги ролини кучайтириш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Мажлисда тегишли вазирликлар ва идораларга йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, тармоқлар потенциалини ошириш ҳамда 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини сўзсиз бажариш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истиқболли турлари — банк-молия, суғурта, ахборот- коммуникация хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб бормоқда. Оилаларни мураккаб маиший техника, компьютерлар ва шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кенгайишига имкон яратди.

Шу билан бирга, мазкур тармоқни ривожлантиришдаги жиддий камчиликларни таъкидлаш жоиз, хусусан, бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан кам фойдаланилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, қишлоқ жойларида суст ривожланмоқда, бу ерда катта капитал маблағ талаб қилмайдиган ва хусусий тадбиркорлик учун жозибадор бўлган кўпгина анъанавий хизмат турлари етарли даражада ривожланмаяпти ва қишлоқ аҳолисининг улардан фойдаланиш имкониятлари пастлигича қолмоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг бу муҳим тармоққа керакли даражада эътибор қаратмаётганига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Бунинг натижасида, хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳозирча бозор мезонларига мос келмаяпти ва уни дунёнинг ривожланган мамлакатларида бу соҳада эришилган кўрсаткичларга таққослаб бўлмайди.

Бу мамлакатларда хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60-80 фоизни ташкил этади, хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг қарийб 70 фоизи меҳнат қилади, аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида эса мазкур соҳа 50-60 фоизни ташкил этади, ваҳоланки, республикамизда бу кўрсаткич 10-15 фоиздан ошмайди.

Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли турли- туман хизмат турлари билан тўлдириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб ҳисоблансин:

хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, жумладан, бу борадаги расмиятчилик тўсиқларини бартараф этиш ва шу асосда хизматлар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш ҳамда 2010 йилгача уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;

2006-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 1,6 марта кўпайтириш;

қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина-трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш;

анъанавий хизмат турлари билан бир қаторда, янги истиқболли — юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;

мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражаси ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

2. Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари ва тадбирлари 1-3- иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Дастурда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун шахсий жавобгарлик вазирликлар, идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дастур ижросининг боришини тизимли мониторинг қилсин ва чорак, ярим йил ва йил якунлари бўйича ўтказиладиган ўз мажлисларида кўриб борсин.

3. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда мақсадли кўрсаткичларга эришиш ва асосий йўналишлар бўйича белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур ҳажмда молиялашнинг аниқ манбаларини 1 ва 2- иловаларга мувофиқ белгиланган ҳолда 2006-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқсин ва бир ой муддатда тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари бир ой муддатда 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва ҳар бир фуқарони, айниқса, қишлоқ жойларидаги фуқароларни сифатли хизматлар билан таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларни қабул қилсин. Мазкур дастурларда анъанавий хизмат турларини кенгайтириш ва янгиларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза

(Давоми 2-бетда).

Бевосита мулоқот

МАҚСАД – ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Президентимизнинг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, ушбу соҳада таркибий ва институционал ўзгартириш масалаларини ҳал қилиш, хизматлар бозорини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда тизимда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга қўмаклашиш бўйича махсус ваколатга эга бўлган давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Агентлик тизимини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлимлар, Автомобиль ва дарё транспортини ривожлантиришни норматив-техник таъминлаш республика маркази, «Автодарётранс-илм» касб малакасини ошириш давлат илмий-методик маркази ташкил этади.

Унинг асосий вазифалари эса, автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш ҳамда такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий базанинг шакллантирилишини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари, аҳолининг юк ва йўловчилар ташишга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, мутасадди ташкилотлар билан биргаликда соҳани ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тизимда бозор муносабатларини ва рақобат муҳитини ривожлантириш, ягона техника сиёсатини юритиш, юк ва йўловчилар ташишни лицензиялашни ташкил этиш, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартлари бажарилишини назорат қилишдан иборатдир.

Аввал хабар берганимиздек, шу йил 4 апрель куни соат 10.00 дан 12.00 га қадар «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари муштарийларининг Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи А.Абдувалиев билан телефон орқали бевосита мулоқоти бўлиб ўтди. Унда газетхонлар мазкур соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни ва унинг мазмун-моҳияти ҳақидаги ўз саволларига батафсил жавоб олдилар. Телефонлар эса тиним билмади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Тошкент шаҳрида йўловчилар транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2006 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорлари юзасидан ва умуман транспорт тизимига оид бошқа мавзудаги жуда кўплаб саволлар тушди.

3-бетга қаранг

Бугуннинг гапи

Ўзгаришларни халқ сезяптими?

Марказ ва минтақалар ўртасидаги алоқаларнинг узилишига йўл қўймаслик;

хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларини кескин камайтириш;

улуғвор мақсадларни кўзлаган сиёсатни халқ онгига етказиш, одамлар тафаккурида ишонч туйғусини ошириш;

халқ таълими ва тиббиётдаги ислоҳотлардан мақсад, аввало, сифат ўзгаришларни таъминлаш эканлигини соҳа ходимларига тушунтириш.

Табиийки, биринчи чорак якунларини таҳлил қилишда ишимиздаги камчиликлар, танг жиҳатларга эътибор қаратилди. Кўзда тутилган ўсиш суръатларига эришилмаган ҳудуд ва тармоқ мутасаддиларидан бунинг сабаблари ўта принципиаллик билан сўралди.

Мамлакат Президенти белгилаб берган вазифаларни амалга оширишда, аввало, ушбу устуворликларга эътибор қилиш зарурлиги уқтирилди:

Муайян манзилга етиб боргач, ортимизга назар ташлаб, қилинган ишлар бўйича ҳисоб бериш доимий анъанага айланган. Шу ўринда «Халқ сўзи» саҳифаларида илгари ҳам айтган фикрни такрорламоқчимиз: ҳар биримизда, энг аввало, виждонимиз олдида ҳисоб беришдан кўра юксакроқ жавобгарлик бўлмаса керак. Чунки виждон ҳакамлик қилганда расмий қолиплар доирасидан ташқари саволлар қўйиладики, ким шу сўроқларга қониқарли жавоб берсагина синовдан эсон-омон ўтади. Виждоннинг саволлари эса ҳисоб берувчининг қалб қатидан чиқади: хўш, мен билдирилган ишончни оқлаш учун муносиб бўла олдимми? Хизмат жойимда ўтказган фурсатим беҳуда совурилмадими? Эгаллаган лавозимим берган ваколатларни шахсий ҳузур-ҳаловат учун эмас, жамиятда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлига, муқаддас ислоҳотлар йўлига сарфлай олдимми? Халқона ибора билан айтганда, нонимни ҳалоллаб еяпманми, болачақамни пешона тери эвазига топилган неъмат билан боқяпманми? Бу саволлар бирор идоранинг ҳисобот қоғозида қайд этилмаган. Бу сўроқ, ёзилмаган қоиданинг табиатидан келиб чиқиб, ич-ичимиздан ўзимизга қаратилгандир. Эҳтимол, минбарда туриб, унга бир амаллаб жавоб бериш мумкиндир, лекин виждон қўйган сўроқларни четлаб ўтиб бўлмайди.

Айни шу нарса ҳамиша ёдимизда бўлсин!

Ш. ЖАББОРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

қилиш вазирлиги ҳузуридаги Аҳоли бандлигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига 3-иловага мувофиқ имтиёзли кредитлар ажратиш орқали бу соҳада аҳоли бандлиги даражасини ошириш бўйича чоралар кўзда тутилсин.

5. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасидаги замонавий даража ва тез ўсаётган талабларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш ишларининг ҳозирги аҳволи қониқарсиз деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида мутахассисликлар рўйхати ва хизматлар кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатини танқидий ўрганиш асосида бир ой муддатда ўқув жараёнини такомиллаштириш, шу жумладан унинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини чуқурлаштириш ҳамда бу ўқув юртларидаги ўқитувчиларнинг малакасини ошириш юзасидан таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси:

бир ой муддатда "Ўзстандарт" агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган Фаолият турларининг умумдавлат статистика классификаторини тасдиқласин ва уни босқичма-босқич статистика амалиётига киритсин;

аҳоли бандлигининг ҳудудий хусусиятларини ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасида статистика маълумотларини тўплаш тизимини ҳисобга олган ҳолда хизматларнинг статистик, шу жумладан алоҳида тармоқлар бўйича ҳисоби методологиясини такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқсин.

7. 2006 йил 1 апрелдан бошлаб 4-иловадаги рўйхатга мувофиқ хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юқорида кўрсатилган имтиёзнинг мақсадли ва аниқ йўналтирилган ҳолда қўлланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 17 апрель.

Ўтган ҳафтага назар

Ўтган ҳафтанинг биринчи куни хайрли иш билан бошланди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Оқсаройда расмий ташриф билан Ўзбекистонга келган Россия Федерацияси федерал мажлиси Федерация кенгаши раиси Сергей Мироновни қабул қилди.

Ислоҳотлар натижаси бўй кўрсатмоқда

Маълумки, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга эга. Собиқ иттифоқ тарқалиб кетгандан сўнг бу алоқалар тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат асосига қайта қурилди. Айниқса, ўтган йилнинг октябрь ойида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома икки мамлакат алоқаларида янги имкониятлар эшигини очди.

Шу туфайли бўлса керак, биргина сўнгги беш ой мобайнида Россиядан Ўзбекистонга 14 та расмий делегация келди. Уларнинг тўрттаси парламент вакилларидан иборат делегациядир. Бу — икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик янгича сифат касб этганлигига яққол мисол бўла олади.

Таъкидлаш лозимки, С. Миронов айни пайтда МДҲ Парламентлараро ассамблеяси кенгаши раиси ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам суҳбат чоғида Ўзбекистон — Россия парламентлараро алоқалари билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Сергей Миронов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ҳам ташриф буюриб, юқори палата раиси Илгизар Собиров билан учрашди. Суҳбат давомида парламентлараро алоқаларни ҳамда қонунчилик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди. Россиялик мартабали меҳмон, шунингдек, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ҳам ташриф буюрди.

Россия парламенти юқори палатаси раҳбари журналистлар билан учрашувда Самарқанддаги тарихий обидаларни кўриб, алгебра — алгоритм ўзбек заминида пайдо бўлганлигини эштитиб, чексиз ҳайратга тушганлигини билдирди.

Ўтган ҳафтада БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида Ўзбекистоннинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича дастлабки миллий ҳисоботи эълон қилинди. Маълумки, 2000 йилда жаҳоннинг барча мамлакатлари раҳбарлари томонидан ривожланишга доир саккиз мақсад қабул қилинган эди. Бу мақсадларнинг ижросини таъминлаш ҳозирда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош йўналишига айланган. Мамлакатимиз Президенти раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Умумтаълим мактабларини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга, хотин-қизларни иш билан таъминлашга доир дастурлар мамлакатимиз Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг асосини ташкил этади.

Дастлабки ҳисоботда Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига оид барча мажбуриятларини изчил бажариб келаётгани таъкидланди. 2015 йилга бориб бу мақсадлар тўла амалга ошиши қайд этилди.

Шанба куни Вазирлар Маҳкамасида 2006 йил биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда ҳукуматнинг 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган устувор йўналишларини амалга ошириш изчил давом этаётгани таъкидланди.

Мажлисда, шунингдек, халқ хўжалигининг кўплаб соҳаларида қувонарли натижаларга эришилгани таъкидланди. Айниқса, ўқитувчилар ва соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг маошлари ошганини соҳа ходимлари хурсандчилик билан кутиб олишди. Директорлар жамғармалари ташкил этилиши натижасида ўқитувчиларнинг 41 фоиздан кўпроғи устама ҳақ олмоқда. Соғлиқни сақлашдаги янги тарификация туфайли салкам 370 минг тиббиёт ходимининг иш ҳақи ўртача 30 фоизга кўпайди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси ошкора ва танқидий руҳда ўтди. Айрим соҳалардаги камчиликлар очиқ-ойдин танқид қилинди. Жумладан, «Ўзпахтасаноат» ва лоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари амалга оширилишини таъминлаш бўйича вазифалари муҳокама қилинди. Мажлисда иқтисоди «Ёғмойтамакисаноат» уюшмалари корхоналарида пахта чигитини етказиб бериш, қайта ишлашни ҳисобга олиш, маҳсулот ишлаб чиқариш талабларига риоя этиш, фермер хўжаликларни чигит шроти ҳамда шелухани ўз вақтида таъминлаш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани, таъкидлаб ўтилди.

Дунёда содир бўлаётган воқеаларга тўхталадиган бўлсак, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари рўй бераётган сув тошқинларини тилга олиш мумкин. Бу табиий офат натижасида Германия, Болгария, Руминия, Хорватия каби мамлакатлар жиддий зарар кўрди. Мутахассислар Дунайнинг ўз қирғоқларидан чиқиб кетиши туфайли ҳатто Украинада тошқин рўй бериши мумкинлигини қайд этишмоқда.

Ўтган ҳафта воқеаларига хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юртимизга мартабали меҳмоннинг ташрифи ва олиб борилган музокаралар, Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ва БМТнинг Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича дастлабки миллий ҳисоботда қайд этилган ютуқлар мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жадал давом этаётганидан дарак бермоқда.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ.

Самарқанд шаҳар ҳокимлигида вилоятда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокими, Олий Мажлис Сенатининг аъзоси Сухроб Рафиқов кўҳна шаҳарда кейинги йилларда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари, Самарқандни 2025 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг ижроси ҳақида гапириб берди.

Кўҳна Самарқанднинг бугуни

Айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида қадимий Самарқанд янада кўркамлашмоқда. Асосийси, азалдан етти иқлимга маълуму машҳур бўлган кўҳна обидалар ўз ҳолига қайтди. Эски шаҳарда бажарилган бунёдкорлик ишлари натижасида бу ҳудуд қайтадан чирой очди. Жаҳон аҳлини ҳамон ром этиб келаётган Регистон ансамблидан Улуғбек расадхонасигача бўлган масофада янги туризм йўналиши юзага келди. Айнан шу ҳудуд очиқ осмон остидаги музейга айлантирилди. Не-не зиёратгоҳлар, шу жумладан, Шоҳи Зинда меъморий мажмуаси тўлиқ таъмирланди. Шаҳарнинг янги қисмидаги ободонлаштириш ишларидан ҳам кўпчиликнинг кўнгли тўлди.

Миллий байрамимиз — Наврўз арафасида шаҳарда қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежининг янги, замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Бундан мақсад қадимий шаҳарда азал-азалдан ривожланган миллий ҳунармандчиликни қайта қарор топтириш, эски анъаналар, урф-одатларни янада ривожлантириш эди.

Айни пайтда кўҳна шаҳарнинг ҳар бир даҳасида катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Университет хиёбони, Алишер Навоий номли истироҳат боғи каби шаҳарликларнинг энг севимли масканлари ўзгача чирой касб этган. Хулласи, қадимий Самарқанд кун сайин гўзаллашиб бормоқда.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Ўзбекистон Халқ демократик, Фидокорлар миллий демократик партиялари Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда депутатлар парламентнинг қуйи палата ялпи мажлиси муҳокамасига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонунлар лойиҳаларини ҳамда фракция фаолиятига оид масалаларни муҳокама этдилар.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама этиб, ушбу масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Фракциялар йиғилиши

Таъкидланганидек, мазкур ҳужжат кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш, журналистлар фаолиятининг кафолатларини такомиллаштириш масалаларига қаратилган. Шу билан бирга, депутатлар қонун лойиҳасида қайта ишлаш ва соддалаштириш лозим бўлган жиҳатлар, журналистлар фаолиятини чеклаши мумкин бўлган айрим моддалар мавжудлигини ҳисобга олиб, мазкур ҳужжатни маромига етказиш бўйича ўз таклифларини бердилар.

Йиғилиш иштирокчилари "Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда "Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 136-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги, "Фирма номлари тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонунлар лойиҳаларини атрофлича кўриб чиқишди.

Шунингдек, ФМДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари партиянинг Ёшлар қанотида фаолият кўрсатаётган фаол ва шижоатли йигит-қизлар билан учрашди.

"Буюк келажакни фидойи ёшлар яратади" мавзусида ўтказилган ушбу учрашувда бугунги кунда олиб борилаётган сиёсат, халқаро аҳвол, ёшлар ўртасида учраб турадиган баъзи муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари хусусида очиқ мулоқот қилинди. Бундан ташқари, тадбирда партиянинг сайловолди Ҳаракат дастурида Ёшлар сиёсати борасида қатор йўналишлар белгиланганлиги ва бу вазифаларни амалга оширишда партия фаоллари ёшлар билан мунтазам учрашиб турганлиги таъкидланди.

Қизғин мунозара остида ўтган учрашув ёшларда катта таассурот қолдирди.

Зиёда АШУРОВА.

Фуқаролар йиғинларида сайлов

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий негизлари» мавзуида анжуман ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарори асосида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини юқори савияда ташкил этиш билан боғлиқ вазифалар кўриб чиқилди.

Кун тартибида оқсоқоллар сайлови

Амалий семинарда сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга ёрдамлашувчи Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси ҳамда жойлардаги ишчи гуруҳлари фаолиятини муҳим сиёсий тадбирнинг ошкоралигини таъминлашга йўналтириш, бу борада оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш, жамоатчиликнинг фаол иштирокига алоҳида эътибор бериш, тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигига эришиш, комиссиялар, ишчи гуруҳларининг зарур илмий-услубий адабиётларга эга бўлиши юзасидан муайян чоралар белгиланди. Ҳисобот-сайловларга тайёргарликда жамоат ташкилотлари, фуқаролар йиғинлари фаоллари яқиндан қатнашиши, раисликка энг муносиб номзодларнинг танланишига эришиш зарурлиги таъкидланди.

Шаҳар ва туманларда тузилган тегишли комиссияларнинг раислари, аъзолари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, сиёсий партиялар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари қатнашган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси А. Саидов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг ўринбосари Ғ. Ражабов сўзга чиқдилар.

Амалий анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Янгибоев қатнашди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бозор сабоқлари

Миллий иқтисодиётимизни янада эркинлаштириш борасида ҳукуматимиз томонидан бир қатор қарорларнинг қабул қилиниши тадбиркорларимиз учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиб берди. Жумладан, асоссиз текширишлар сони кескин камайди. Ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг рўйхатдан ўтиши соддалаштирилди. Хусусий тадбиркорларга солинадиган солиқ юки ставкалари сезиларли даражада енгиллаштирилди. Бир сўз билан айтганда, 2005 йил иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи сифатида мамлакатимиз тарихидан жой олди.

ИМКОНИЯТЛАР БОРУ, САМАРА КАМ

Амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётир. Фикримизни қуйидаги статистик маълумотлар ҳам яна бир карра тасдиқлайди. Хусусан, ўтган йили ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7 фоизни ташкил этди, Саноат ишлаб чиқариш 7,3, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 6,2 фоизга ўсгани, айниқса, қувончли ҳолдир.

Президентимизнинг 2005 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида эса республикамизнинг бугунги имкониятлари, эришилган муваффақиятлар ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар атрофлича таҳлил қилиб берилди. Жумладан, 2005 йилда мамлакатимизга қилинаётган импорт маҳсулотларнинг таркиби ўзгариб, юртимизга олиб кирилаётган умумий маҳсулот ҳажмида техника ва ускуналар улуши 44 фоиздан ортгани алоҳида мамнуният билан таъкидланди. Бундан битта хулосага келиш мумкин: республикамизга тайёр маҳсулот олиб келиб сотишдан кўра, ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга юксалиб бораётир. Хўш, бу борада вилоятларимиздаги мавжуд аҳвол қандай? Яқинда хизмат сафари билан Бухоро вилоятида бўлганимизда, ана шу саволга батафсилроқ жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Бу вилоят юртимиз иқтисодиётида салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди. Вилоятда бултур ялпи маҳсулот ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 6,9 фоиз ўсди. Саноат ишлаб чиқариш 106,6, истеъмол моллари 107,8 фоизга кўпайишига эришилди.

Иқтисодиёт ривожида муҳим ўрин тутадиган хорижий инвестицияларни жалб қилиш дастурининг амалга оширилиши натижасида 2005 йилда 22326,2 минг АҚШ доллари миқдорида хорижий маблағ вилоят ишлаб чиқаришини ривожлантиришга йўналтирилди. Шундан 6018,2 минг АҚШ долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, 16,308 минг АҚШ долларини эса хорижий кредит линиялари ташкил этди. Шунингдек, дастур доирасида 950 та янги иш ўрни яратилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, айни чоғда вилоятга четдан технология ва асбоб-ускуналар киритиш 2004 йилдагига қараганда кескин камайди. Рақамларга эътибор беринг: 2004 йилда вилоятга жами 57,3 миллион АҚШ долларилик маҳсулотлар импорт қилиниб, бунда технологиялар улуши 52,7 фоизни ташкил этган эди. 2005 йилда эса бу кўрсаткич, яъни жами импортдаги улуш 42,6 фоизга тушиб қолди. Бу борада орқага кетишнинг аниқ сабаблари бор, албатта. Хусусан, Марказий банкнинг Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ботир Зариповнинг айтишича, 2005 йил давомида хориждан технологиялар олиб кириш учун «Евроснар» қўшма корхонасига газ ёнилғисини қуйиш учун компрессор станциясини сотиб олишга Халқ банкининг вилоят бўлими 137,0 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратган.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштиришда кредит тизимидан кенг фойдаланилади. Бухоро вилоятида эса, негадир, бу имкониятдан фойдаланишга у қадар аҳамият берилмаётганга ўхшайди.

Бухоролик тадбиркорлар билан учрашганимизда, уларнинг айримлари кредит олишда таъминот масалаларида етишмовчиликка дуч келишаётганини айтишди. Тўғри, банкка бош суқиб келган ҳар қандай кишига ҳам кредит берилавермайди. Айни пайтда мижозлар билан ишлаш, олинаётган кредитларнинг самарадорлигини ошириш бўйича анча-мунча ишлар қилиш керак.

Бухоро шаҳридаги «Р. Ш. Раҳматова-зардўз» масъулияти чекланган жамиятида бугун 98 нафар киши меҳнат қилади. Бундан ташқари, корхона билан ҳамкорликни йўлга қўйган 30 нафар касаначи ҳам бор. Жамиятда бўлганимизда, кенг кўламда қурилиш ишлари амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик.

— Бугун бозорда биз ишлаб чиқараётган маҳсулотларга талаб катта, — деди корхона раҳбари Раҳим Хўжаев. — Бухоро зардўзини бутун дунёда яхши билишади, десам хато қилмаган бўламан. Бу маҳсулотларнинг аксариятини юртимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар сотиб олишади. Сабаби у ҳақиқий халқ амалий санъати буюми сифатида чет давлатларга экспорт қилди. Бундан ташқари, Винеет Растоги ўзбекистонлик ҳамкорлари билан биргаликда мамлакатимизга кичик технологиялар келтириб сотиш билан ҳам шуғулланади.

— Биз юртингизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича бир қатор лойиҳалар ишлаб чиққанмиз, — дейди В. Растоги. — Ўзбекистонда тадбиркорларга катта имкониятлар яратиб берилган. Ишчи кучи бор. Хомашё бисёр. Биз айни пайтда бу ернинг ички ва ташқи бозорини яхши ўрганган ҳолда, совун, трикотаж ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик технологиялар олиб келганмиз. Лекин уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш қийин кечаяпти. Жумладан, ҳозирда биз ижарада турган бинони қайта реконструкция қилишимиз лозим. Аммо бинони корхона ихтиёрига ўтказиб олганимиздан сўнггина қурилиш ишларини бошлашга ҳуқуқимиз бўлади. Бу ҳуқуққа эса ҳозирча эга эмасмиз. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун бино барча талабларга жавоб бериши керак. Қолаверса, ишлаб чиқаришни режалаштираётган маҳсулотларимизнинг асосий қисмини хорижга экспорт қилмоқчимиз. Агар лойиҳаларимизни тезроқ амалга оширсак, ишонч билан айтишим мумкинки, ўн ой давомида бу ерда камида 100 та янги иш ўрни яратилади.

Афсуски, бир ярим йилдан буён бинони имтиёзли шартлар асосида олиш учун тегишли идораларнинг барчасига мурожаат қилган бўлсак-да, бу иш ҳамон пайсалга солинмоқда. Бухоро шаҳар ҳокими Карим Камоловга бу масалада хат билан ҳам мурожаат қилганмиз.

Аслида Бухоро — тадбиркорлар учун кенг имкониятлар макони. Аммо ҳамма гап ана шу салоҳиятдан оқилона фойдаланиб, уларни ишга сола билишда. Ҳозирча эса, бу ерда имкониятлар бор, самара эса кам бўлаётир.

Юнус БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА



ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ДЕМОКРАТИЯНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

(саволлар-жавоблар)



"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови — демократиянинг амалдаги ифодаси" мавзуидаги мўъжаз қўлланма нашрдан чиқди. У юридик фанлар доктори Мавжуда Ражабова ва Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси Ихтиёр Беков томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига доир нормалари, шунингдек, тегишли қонун ҳужжатлари асосида тайёрланган.

Қўлланма сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун жойларда тузилган комиссия ва ишчи гуруҳ аъзолари, сайлов масалалари билан қизиқувчи барча фуқаролар учун мўлжалланган.

(ЎзА).

Бевосита мулоқот

МАҚСАД — ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

...Ҳали соат 9.50. Бирдан «Бевосита мулоқот» учун ўрнатилган телефонлардан бири жиринглади. **Тошкент шаҳри, Марказ-26, 39-уй, 21-хонадонда яшовчи Нурилла ИКРОМОВ** телефон қилган экан:



— Президентимизнинг «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги фаолиятнинг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги 303-сонли Қарори билан танишдим, — деди у. — Унда 2006 йил 1 июндан бошлаб автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда тижорат асосида ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилибди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад нима?

— Автомобилларда йўловчи ташиш фаолияти билан фақат юридик шахсларгина шуғулланишининг белгилаб қўйилиши асосан ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга эришиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, яъни йўловчи, ташувчи ва барча йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаётини ҳимоя қилишга қаратилган.

Биласиз, шу пайтга қадар тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолияти билан ҳам юридик шахслар, ҳам жисмоний шахслар баб-баравар шуғулланиб келишарди. Аммо ўтган давр мобайнидаги тажрибалардан келиб чиқадиган бўлсак, яратилган шароитлар бир хил бўлишига қарамасдан, мавжуд тартиб-қоидаларга амал қилиш борасида ҳамиша ҳам тенгликка эришилмаётган эди. Масалан, юридик шахсларда автомобилларни таъмирлаш учун шарт-шароитлар ҳамда техник ва тиббий мутахассислар мавжуд. Шу боис уларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартлари — кунлик қатнов олдидан ҳайдовчини тиббий кўрикдан ва автотранспорт воситасини техник кўрикдан ўтказишда деярли муаммо йўқ. Шунингдек, уларда автотранспорт воситаларини доимо техник соз ҳолатда ушлаб туриш имконияти ҳам етарли. Якка тартибда фаолият кўрсатаётган жисмоний шахслар эса, афсуски, бундай имкониятларга эга эмас. Шу боис улар тиббий ва техник кўрик масаласида бошқа шахслар, муассасалар билан шартнома тузиб ишлашга мажбур бўлишади. Яъни, ҳар куни тонг саҳардан кимларнингдир эшигида сарсон-саргардон бўлишларига тўғри келади. Натижада баъзан ташувчилар томонидан хавфсизлик учун ўта муҳим бўлган бу масалага эътиборсизлик қилинади. Бу билан улар йўловчиларнинг ҳам, ўзларининг ҳам, шунингдек, бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳам ҳаётларини хавф остига қўядилар. Айнан мана шу хавфга барҳам бериш чора-тадбирлари Президентимизнинг Қарорида аниқ белгилаб берилган. Бошқача айтганда, якка тартибда фаолият кўрсатиб келаётган ташувчилар энди юридик шахсларга бирлашган ҳолда ишлайдилар. Қатнов олдидан ҳар бир автомобилни техник, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш вазифасини эса ана шу юридик шахс ўз зиммасига олади. Натижада йўловчилар ҳам ўзларига соғлом ҳайдовчилар бошқарувидаги техник жиҳатдан соз автомобиллар хизмат кўрсатаётганига ишонч ҳосил қилган ҳолда хотиржам бўладилар.

Яна бир қулайлик шундан иборатки, юридик шахс таркибига кирган жисмоний шахслар ўз автомобилларининг ҳеч қандай ташвишсиз таъмирланиб туришига, яъни доимий тарзда техник соз ҳолда бўлишига эришадилар. Бу, ўз навбатида, уларни ортиқча сарсонгарчиликлар ва қўшимча харажатлардан ҳам халос этади.

Мазкур Қарорда жисмоний шахсларнинг юридик шахс таркибига кириши ёки ўз фаолиятини тугатиши жараёнида уларга ҳеч қандай моддий ва маънавий зарар етмаслиги чоралари ҳам кўрилган. Мисол учун, юридик шахс таркибида фаолият кўрсатишни хоҳлаган якка тартибдаги тадбиркорларнинг мавжуд лицензиялари ва лицензия варақалари ўз вақтида ва ҳеч қандай муаммосиз қайта рўйхатдан ўтказиб берилади. Тижорат асосидаги фаолиятини тўхтатмоқчи бўлганларга эса, лицензия учун тўлаган давлат божи миқдорининг фойдаланилмаган қисми тўлиқ қайтарилади. Бундан ташқари, ўз шахсий автомобилини юридик шахсга устав фонди сифатида киритаётган хусусий тадбиркорлар автотранспорт воситаларини рўйхатга олишда тўланадиган республика Йўл жамғармаси мажбурий йиғимидан 2006 йилнинг 1 июнига қадар озод этиладилар.

Шаробиддин МАЪМУРЖОНОВ (Андижон вилояти, Андижон тумани, Хўжа маҳалласи, 27-уй):

— Якка тартибдаги тадбиркор сифатида лицензия олиб, автомобилда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган эдим. Янги ҳужжатлар чиққанидан кейин фаолиятимни давом эттиришим учун нималар қилишим керак? Шуни батафсилроқ тушунтириб берсангиз.

— Аввало, автомобилда йўловчи ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган якка тартибдаги барча тадбиркорлар шуни билишлари керакки, бу жараёнда на моддий, на маънавий жиҳатдан ҳеч қандай зарар кўрмайдилар: уларнинг барча фуқаролик ва конституцион ҳуқуқлари Президент Қарори билан тўлиқ ҳимояланган.

Энди бевосита саволингизга келсак, улар ***2006 йилнинг 1 июнига қадар,*** яъни яна *икки ой мобайнида* мавжуд лицензияларига мувофиқ, якка тартибдаги ташувчи сифатида фаолиятларини давом эттиришлари мумкин. Аммо бундай катта муддат бежиз берилгани йўқ. Улар ушбу фурсатдан фойдаланиб, келажак режаларини аниқ белгилаб олишлари лозим. Аниқроғи, ё юридик шахс таркибига кириб ишлаш ҳаракатини қилишлари, ёки бир неча тадбиркорлар билан бириккан ҳолда ўзлари янги корхона ташкил этишлари, ёки бўлмаса фаолиятларини умуман тугатиш масаласини узил-кесил ҳал этиб олишлари керак. Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ва унинг ҳудудий бўлимларидаги мутахассислар эса бу борада уларга зарур маслаҳат бериб, амалий ёрдам кўрсатишга ҳамиша тайёрдирлар.

Ёқубжон ИСОҚОВ (Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Ғозибеков кўчаси, 20-уй):

— Фаолиятимизни юридик шахс таркибида давом эттирмоқчимиз. Биз жисмоний шахс сифатида лицензия олиш учун тўлаган давлат божининг қолган қисми юридик шахс ҳисобига қандай қўшилади?

— Автомобиль транспортида йўловчи ташишни амалга ошириш фаолияти учун (Тошкент шаҳридан ташқари) лицензия ва лицензия варақаларини беришда давлат божини ҳисобга киритиш Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан, автомобиль транспортида Тошкент шаҳрида йўловчи ташишни амалга ошириш фаолияти учун лицензия ва лицензия варақаларини беришда эса Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан амалга оширилади.

Давлат божининг ҳисобга қўшиладиган қисми эса, якка тартибдаги тадбиркорни ўз таркибига олган юридик шахснинг лицензия олиш учун *ариза берган кунидан* бошлаб жисмоний шахсга тегишли лицензиянинг амал қилиш муддати тугайдиган санагача қолган муддатдан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Яъни, хусусий тадбиркор лицензиясининг фойдаланилмаган муддати тўлиқ амал қилиш муддатининг қанча қисмини ташкил этса, ҳисобга қўшиладиган бож суммаси ҳам мутаносиб тарзда умумий бож суммасининг шунча қисмини ташкил этади.

Келинг, бу тартибни мисол асосида кўриб чиқайлик. Дейлик, сиз юридик шахс таъсисчилари (қатнашчилари) таркибига қўшилишга ёки автотранспорт воситасини юридик шахсга, хусусан, «Автотранс» МЧЖга ижарага беришга қарор қилдингиз. Агар ўша «Автотранс» МЧЖ лицензияга эга бўлмаса, давлат божини ҳисобга киритиш мазкур юридик шахсга лицензия берилиши билан бир вақтда амалга оширилади. Бу нима дегани?

Лицензия талабгори бўлган «Автотранс» МЧЖ лицензияловчи органга 2006 йилнинг 1 апрелида тегишлича ариза берди, дейлик (У автотранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда лицензия карточкалари олишни хоҳлаган автомобилларга тегишли тўлиқ ҳужжатлар тўпламини, шунингдек, аризани кўриб чиқиш учун тўланган тўлов ҳужжатини тақдим этиши лозим). Бунда ўша сизга тегишли ва лицензияси мавжуд автомобиль алоҳида ажратиб қайд этилади. Чунки ушбу автомобилга лицензия олишда аввал тўланган давлат божи миқдорининг бир қисми ҳисобга киритилиши зарур.

Энди ҳисоб-китоб қиламиз. Олайлик, сизга тегишли лицензиянинг амал қилиш муддати 2005 йилнинг 25 январидан 2007 йилнинг 31 декабригача бўлсин (1070 кун). Бунда сиз мавжуд тарифга кўра, 183675 сўм миқдорида давлат божи тўлагансиз. Ариза эса, юридик шахс томонидан 2006 йилнинг 1 апрель куни бериляпти. Демак, давлат божининг 2006 йил 1 апрелидан 2007 йил 31 декабригача бўлган (597 кун) қисми, яъни 102480 сўм (183675 / 1070 кун х 597 кун = 102480 сўм) ҳисобга киритилади.

Шунга кўра, «Автотранс» МЧЖ белгиланган ставкалар бўйича ўз автотранспортларига лицензия олиш учун (масалан, беш дона) 500000 сўм миқдорида давлат божини тўлаш ўрнига 397520 сўм (500000 сўм – 102480 сўм) тўлайди. Лицензияловчи орган эса «Автотранс» МЧЖга ўрнатилган тартибда 102480 сўм миқдорида давлат божи ҳисобга киритилганлиги тўғрисида хабарнома беради ва бу хабарнома «Автотранс» жамияти томонидан 102480 сўм миқдорида давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатига тенглаштирилади.

Таня МЕЛИКЕСОВА (Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Лермонтов кўчаси, 18-уй):

— Акам ўзининг «Тико» автомобилида йўловчи ташиш билан шуғулланар эди. Агар у келажакда юридик шахс таркибида ишлашни хоҳламаса, лицензия олиш учун тўлаган давлат божи суммасининг қолган қисмини қандай қилиб қайтариб олади? Қайтариб бериладиган давлат божи суммаси қандай аниқланади?

— 2006 йилнинг 1 июнига қадар ўз фаолиятини тугатмоқчи бўлган хусусий тадбиркорларга лицензияларининг фойдаланилмаган қисмига тегишли давлат божи суммаси Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан қайтариб берилади. Давлат божининг фойдаланилмаган қисмини қайтариш механизми ҳам юридик шахс таркибига кирган жисмоний шахслар учун божнинг ҳисобга қўшиладиган қисмини ҳисобкитоб қилишда қўлланиладиган тартибга мос равишда амалга оширилади.

Давлат божининг фойдаланилмаган қисмини қайтариб олиш учун хусусий тадбиркор Агентликка ёки унинг ҳудудий бўлимларига шу ҳақда ариза билан мурожаат қиладилар. Унда тадбиркорнинг банкдаги ҳисоб рақами албатта кўрсатилиши шарт. Бу эса банкда ҳисоб рақами бўлмаган тадбиркорларнинг ҳам албатта ҳисоб рақами очишлари лозимлигини кўрсатади. Шунингдек, аризага лицензия ва лицензия варақасининг асли ҳам илова қилиниши зарур.

Умуман, ариза бериш тартиби бўйича жисмоний шахслар Агентлик ва унинг ҳудудий бўлимларига шахсан ёки телефон орқали мурожаат қилган ҳолда барча маълумотларни билиб олишлари мумкин.

Айтайлик, сизнинг акангиз ҳам ўзининг ўша «Тико» русумли енгил автомобилида йўловчиларни шаҳар ва шаҳар атрофида ташиш учун 2005 йилнинг 25 январидан 2007 йилнинг 31 декабригача бўлган муддатга лицензия олган. Бу лицензиянинг фойдаланилмай қоладиган қисми (2006 йилнинг 1 июнидан 2007 йилнинг 31 декабригача) 545 кунни ташкил этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлат божининг қайтариладиган қисми 545 кун учун ҳисобланади (183675 сўм / 1070 кун х 545 кун = 93555 сўм). Демак, акангизга 93555 сўм қайтарилиши лозим.

Бобур ШАРОПОВ (Тошкент шаҳри, Хондамир кўчаси, 21-уй):

— Мен хусусий тадбиркорман. Кейинги пайтда автотранспорт соҳасида янги ҳужжатлар чиққанлиги ҳақида кўп гапирилаяпти. Мумкин бўлса, улар айнан қайси Фармон ва қарорлар эканлигини ҳамда улар билан қаерда танишиш мумкинлигини айтсангиз.

— Хабарингиз бор, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан фуқароларга сифатли автотранспорт хизмати кўрсатиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада кейинги пайтда жорий этилган қатор қонун ҳужжатларининг узвий давоми сифатида шу йилнинг жуда қисқа вақти мобайнида автомобилларда йўловчилар ташишга тааллуқли бўлган битта Фармон ва тўртта Қарор қабул қилинди.

Энг аввало, соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берган ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонини айтиб ўтиш жоиз. Шундан сўнг ушбу Фармон ижроси билан боғлиқ ҳолда Президентимизнинг 2006 йил 18 январдаги «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи транспорти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Кейинги қонун ҳужжатлари эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорларидир.

Ушбу Фармон ва Қарорлар билан танишишни истасангиз, Агентлигимизнинг **www.uzaart.uz** интернет сайтига мурожаат қилишингиз мумкин. Шунингдек, ушбу қонун ҳужжатлари ва уларнинг моҳияти тўғрисида «Avtomobilchi+» газетамизда ҳам доимий тарзда мақолалар чоп этилиб борилаяпти.

Қолаверса, ушбу қонун ҳужжатларига доир барча саволларингизга жавоб олиш юзасидан Агентлигимизнинг вилоятлардаги ҳудудий бўлимларига учрашишингиз ёки телефон орқали мурожаат қилишингиз ҳам мумкин.

Гайрат МАНСУРОВ (Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, Нуристон шаҳарчаси):

— Мамлакатимиз транспорт йўналишларида йўловчилар ташувчиларни жойлаштириш ким томонидан ва қай тартибда амалга оширилади?

— Йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш бўйича очиқ тендерлар ўтказиш ва йўналишларни уларнинг натижаларига мувофиқ ташувчиларга бириктириш — шаҳар (шаҳарча) чегараси доирасида амалга ошириладиган **шаҳарда йўловчилар ташиш** йўналишлари учун шаҳарлар ҳокимликлари қошидаги, ҳоким ўринбосарлари бошчилигидаги шаҳар комиссиялари томонидан, **Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш** йўналишлари учун эса, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан;

— 50 километргача (шу жумладан, 50-километр ҳам киради) масофада бўлган **шаҳар атрофида** йўловчилар ташиш йўналишлари учун вилоятлар ҳокимиятлари қошидаги, ҳоким ўринбосарлари бошчилигидаги вилоят комиссиялари томонидан;

— бир вилоят ҳудудида 50 километрдан ортиқ масофада шаҳар (шаҳарча) чегарасидан ташқарида амалга ошириладиган **шаҳарлараро-вилоят ичида йўловчилар ташиш** йўналишлари учун вилоятлар ҳокимиятлари қошидаги, ҳоким ўринбосарлари бошчилигидаги вилоят комиссиялари томонидан;

— йўналишнинг масофасидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг икки ва ундан ортиқ вилояти ҳудудида амалга ошириладиган **шаҳарлараро-вилоятлараро йўловчилар ташиш** йўналишлари учун шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари эса Идороларо комиссия томонидан амалга оширилади.

Жамоат транспорти — шаҳарларимиз кўркамлигини таъминлайдиган асосий омиллардан бири.

Набижон САНГИНОВ (Сирдарё вилояти, Ховос тумани, А.Икромов кўчаси, 1-уй):

— Кейинги ўзгаришлардан сўнг йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш бўйича ўтказиладиган очиқ тендерларда иштирок этиш тартиби қандай бўлади? Умуман, тендерлар ўтказилаётганини олдиндан қандай билиш мумкин?

— Очиқ тендерда, белгиланган тартибга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган, солиқ органларида ҳисобда турадиган, автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар атрофида, шаҳарлараро халқаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ҳар қандай **юридик шахс** қатнашиши мумкин.

Бунда ҳар бир транспорт воситаси учун алоҳида-алоҳида тарзда уларнинг техник кўрикдан ўтказилганлигини тасдиқловчи, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг муҳри билан тасдиқланган намунадаги ижобий далолатнома бўлиши шарт.

Қайси йўналишлар бўйича очиқ тендерлар ўтказилиши ва қайси йўналишлар тендерга қўйилишини эса тендер ташкилотчилари белгилайди. Улар, қоидага кўра, тендерга қўйиладиган йўналишлар (йўналишлар пакети) рўйхатини тайёрлаб, тендер ҳужжатлари пакетини шакллантирадилар ва тендер предмети, уни ўтказишнинг асосий шартлари, тартиби, вақти, жойи, жумладан, тендер қатнашчилари томонидан ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида очиқ тендерлар ўтказилишидан 30 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон берадилар.

Бундан ташқари, тендер ўтказиш бўйича шаҳар ва вилоят комиссиялари, Тошкент шаҳрида эса Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментига ёзма ва оғзаки равишда мурожаат қилиб, ўзингиз учун маълумотлар олишингиз мумкин.

Башарти, навбатдаги очиқ тендер эълон қилинганидан кейин юридик шахс сифатида унда иштирок этишни хоҳласангиз, тендер ҳужжатлари пакетини олиш юзасидан ҳокимликлар қошидаги шаҳар ва вилоят комиссияларига, Тошкент шаҳрида эса Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментига ёзма буюртманома беришингиз керак бўлади. Шунда сизни комиссиянинг махсус дафтарида рўйхатдан ўтказишади. Шу ўринда унутмаслик керакки, буюртманомалар бериш ва тендер ҳужжатлари пакетини олиш муддати тендер ўтказиладиган санадан 5 кун олдин тугайди.

Расулжон НУРМАТОВ (Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Экспресс-авто» ассоциацияси раҳбари):

— Анчадан бери йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиб келамиз. Саволим шуки, биз йўловчиларга албатта чипта тарқатишимиз шартми? Умуман, чипта масаласи ҳақида тушунча бериб ўтсангиз?

— Йўловчиларни ташишни амалга оширишда чипталарнинг бўлиши шарт. Чипталарни жорий этиш тартиби эса, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари томонидан амалга оширилади. Чипталарнинг намуналари Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уларни амалиётга жорий этиш юзасидан барча вилоят ҳокимликларига тегишли тавсиялар берилган.

Бахтиёр ҲАҚҚУЛОВ (Жиззах вилояти, Галлаорол шаҳри, «Самарқанд» кўчаси, 35-уй):

— Биз яқинда шаҳардаги автошоҳбекатни хусусийлаштириб олдик. Фурсатдан фойдаланиб, йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланиш қайси ҳолларда автошоҳбекатлар орқали амалга оширилиши лозимлигини билмоқчийдим. Қолаверса, автошоҳбекатнинг эгаси ўзгарганидан кейин унинг паспортини алмаштиришимиз шартми?

— Йўловчиларни шаҳар йўналишларида ташишда шаҳардаги диспетчерлик пунктлари (нозимхоналар), охирги бекатлар орқали, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўналишларда эса, автовокзал ва автостанциялар орқали амалга оширилиши ташувчилар билан тендер ташкилотчилари ўртасида тузиладиган тендер битимларида белгилаб қўйилади.

Кейинги саволингизга жавоб шуки, автовокзал ва автостанциялар фаолият кўрсатиши учун ўз паспортига эга бўлиши шарт. Демак, унинг эгаси ўзгарганидан кейин ҳам паспорт албатта янгиланиши керак.

Умиджон ПАРДАЕВ (Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, «Гулистон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси):

— Менда «Д» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси бор. 5 йилдан бери туманда автобус ҳайдовчиси бўлиб ишламоқдаман. Шаҳарлараро йўловчи ташиш фаолияти билан шуғуллансам бўладими?

— Ҳайдовчилик стажингиз 5 йилга тенг эканлигидан келиб чиққан ҳолда, сиз шаҳарлараро йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эгасиз. Зеро, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар»нинг 10-моддасида «Шаҳарлараро, тоғ йўналишларига, шунингдек, бир марталик буюртмалар бўйича саёҳатчи экскурсиячиларни ташишларига ва болаларни ташишга кейинги уч йилда автобус ҳайдовчиси бўлиб ишлаётган ҳайдовчилар қўйилади» деб ёзиб қўйилган.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ (Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, «Хонқа» кўчаси, 36-уй):

— Тендерда ютиб олган йўналишимизга ноқонуний ташувчиларнинг кириб қолиши ҳоллари биз учун доимо ортиқча ташвиш бўлади. Янги қонун-қоидаларда шуларга қарши курашиш бўйича ҳам бирон-бир чора-тадбир белгиланганми?

— Аслида бунақа ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган шахсларга нисбатан аввалдан ҳам жазо чоралари мавжуд бўлган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик Кодекси 176-моддасига асосан, уларга энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 10 баробаригача миқдорда жарималар қўлланилган. Тажриба эса бу жазо чораларининг анча енгил эканлигини, шу боис унинг натижаси ҳам самарали бўлмаслигини кўрсатди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралдаги 294-сонли Қарорига мувофиқ, автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини лицензиясиз амалга оширган шахслар энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 150 баробаригача миқдорда жарима солиниши йўли билан суд орқали маъмурий жавобгарликка тортилади. Бир йил мобайнида айни шундай ҳуқуқбузарлик такрор содир этилган тақдирда эса, йўловчи ташиш транспорти мусодара қилиниб, айбдор шахснинг ўзини қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш кўзда тутилади.

Икром ЎТБОСАРОВ, Саидолим ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Биз ушбу саҳифада барча савол-жавобларни ёрита олмадик, албатта. «Бевосита мулоқот»га ажратилган икки соат вақт мобайнида газетхонларнинг аксарияти ўз саволларини беришга улгура ололмаганлари ҳам бор гап. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги раҳбарияти фуқароларнинг ҳар қандай саволларига жавоб беришга Агентлик ва унинг барча ҳудудий бўлимларида мутахассислар ҳамиша тайёр эканлигини ўқувчиларимизга етказиб қўйишимизни сўради. Агентлик бўлимларининг манзили ва телефон рақамларини эса оммавий ахборот воситаларидаги эълонлардан ёки ***www.uzaart.uz*** *интернет сайти орқали билиб олишингиз мумкин. Шунингдек, Агентликнинг* ***134-38-59*** *рақамли телефони ҳам ҳамиша хизматингизга шайдир.*

Спорт

Қаршида теннис бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган Фьючерс турнири ниҳоясига етди. Дунёнинг ўнта мамлакатидан келган ракетка усталари бир ҳафта давомида 15 минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофот жамғармасидан каттароқ улушга эга бўлиш ва рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш учун баҳс олиб бордилар.

Истомин — турнир ғолиби

Ҳар бир учрашув кескин курашлар остида ўтди. Кўпинча ғолибни тай-брекда аниқлашга тўғри келди.

Жуфтлик беллашувларида ўзбекистонлик Иноятов-Истомин тандеми мазмунли ўйин кўрсатиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Бу учрашувларда теннис фахрийси О. Огородов ҳам В. Узоқов билан бирга кортга тушганлиги томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Яккалик баҳсларида кутилгандек, Денис Истомининг қўли баланд келди. У финалда қозоғистонлик Алексей Кедрюк билан учрашди. Кучлар қарийб тенг эди. Шунинг учун ҳам ҳар бир геймни ғалаба билан якунлаш осон кечмади. Лекин Дениснинг ғалабага бўлган интилиши охир-оқибатда устунликка эришишига олиб келди. Учрашув 7:6, 6:4 ҳисобида ҳамюртимиз фойдасига ҳал бўлди.

Ғолибларга мукофотларни вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев топширди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: турнир ғолиби Денис Истомин.
Ж. НОРҚОБИЛОВ олган сурат.

«Пахтакор» мағлубиятсиз одимини давом эттирмоқда

Ўтган дам олиш кунлари футбол бўйича мамлакат XV миллий чемпионати олтинчи тур учрашувлари ўтказилди. Турнинг қизиқарли баҳсларидан бири Сариосиёда бўлиб ўтди.

Унда «Тўпаланг» ва «Насаф» жамоалари ўзаро куч синашдилар. Учрашув майдон эгалари ҳужумлари билан бошланди. Ҳисоб 38-дақиқада Алишер Бозоров томонидан очилди. Қаршилик футболчилар ҳарчанд ҳаракат қилишмасин 88-дақиқагача ҳисоб ўзгармай турди. Шу вақтга келиб, «Насаф»нинг туркманистонлик янги ўйинчиси Рустам Сапаров ҳисобни тенглаштирди —1:1. Бош ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларда унинг ўзи яна бир тўп киритиб, «Насаф» ғалабасини таъминлади. «Пахтакор» ушбу мавсум ҳам чемпионликни ҳеч кимга бермайдиган кўринади. Пойтахтлик футболчилар бу сафар «Локомотив»ни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сўғдиёна» — «Андижон» 0:1, «Шўртан» — «Навбаҳор» 1:2, «Самарқанд-Динамо» — «Машъал» 0:1, «Металлург»—«Бухоро» 2:1, «Нефтчи» — «Хоразм» 6:0, «Трактор» — «Қизилқум» 0:1.

Олтинчи турдан сўнг чемпионатда «Пахтакор» жамоаси 18 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўринда бораётган «Машъал» ҳисобида 16 очко бор. «Нефтчи» ва «Насаф» жамоалари 13 тадан очко билан учинчи ва тўртинчи ўринларда боришаяпти. Сўнгги поғоналарни «Шўртан», «Сўғдиёна» ва «Хоразм» жамоалари банд этишган.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

IPOTEKA BANK

ПУЛИНГИЗ ҲАРАКАТДА БЎЛСИН!

"Коммунал" омонати	йиллик 24 фоиз	12 ойгача бўлган муддатга қабул қилинади (фоизлар олдиндан ҳисобланиб коммунал тўловлар учун юборилади)
"Истиқбол" омонати	йиллик 22 фоиз	2 ойлик муддатга
"Жозиба" омонати	йиллик 21 фоиз	3 ойлик муддатга
"Адолат" омонати	йиллик 20 фоиз	6 ойлик муддатга (фоизларни ҳар ойда олиш мумкин)
"Антиқа" омонати *(фоизлар капитализацияланади)*	йиллик 22 фоиз йиллик 21 фоиз йиллик 20 фоиз	1 ойдан 3 ойгача муддатга 3 ойдан юқори 6 ойгача муддатга 6 ойдан юқори 12 ойгача муддатга
"Пластик карточка"	йиллик 16 фоиз	муддатсиз (фоиз қолдиқ суммага ҳисобланади.)

Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 132-13-18,
(8-371) 133-31-62.
info@ipotekabank.uz

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

VOLVO
Volvo Truck Corporation
Göteborg, Sweden

Ўзбекистоннинг *«TURONIMPEKS SERVIS»* компанияси Volvo Truck Corporation ширкатининг республикадаги РАСМИЙ ВАКИЛИ

Сизга Volvo русумидаги умумий вазни 16 тоннадан 100 тоннагача бўлган замонавий оғир юк автомобиллари ва уларга эҳтиёт қисмларни буюртмангизга биноан етказиб беришни кафолатлайди ва таклиф этади.

Манзилимиз: 700015, Тошкент, Кунаев кўчаси, 9-А уй.
Телефон: + 998 71 150-66-20. Телефакс: +998 71 150-66-30.
www.volvotruck.com

Маҳсулот сертификатланган.

MTS GSM

UZDUNROBITA first cellular

«УЗДУНРОБИТА» КОМПАНИЯСИДАН
БАҲОРГИ ТАКЛИФ!

SUPER
ТАРИФ РЕЖАСИ

Тармоқ ичида кирувчи алоқа
БЕПУЛ



Тармоқ ичида чиқувчи алоқа
$0.02 (1 дақиқа учун)

Ўзбекистон бўйича алоқа
$0.04 (1 дақиқа учун)

Абонент тўлови
$0.07 (кунига)

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Нархларга барча солиқлар киритилган.
Хизматлар лицензияланган

Ёрқин ранглар жилоси

Ўзбекистон академик Рус драма театри фойесида Владимир Бронштейннинг «Жаннат олмаси» деб номланган рангтасвир асарлар кўргазмаси очилди.

Рассом мазкур кўргазмани ёш қаламкашлар Умида Ирматова, Гулноза Тўрақулова ҳамда Сабина Турдиқуловалар билан ҳамкорликда ташкил этди. Шунинг учун ҳам ранг-баранг мавзулар ва йўналишлар кўргазма экспозициясини бойитиб турибди.

В. Бронштейн «Наврўз», «Дарё», «Денгиз устида тонг отиши» деб номланган асарларида юртимизнинг гўзал табиати, сўлим гўшаларини ёрқин рангларда ифодалаган бўлса, «Қўркув», «Ҳаёт ва ўлим», «Балиқ ови», «Елкан», «Ўзга сайёралик» сингари асарларида фалсафий қараш-лар устунлик қилган.

Юлдуз РИЗАЕВА.

hp Invent
APC American Power Conversion
Fujitsu Siemens
LG
Canon
EPSON
XEROX
MASTER GUARD

NG SERVICE ЎЗБЕКИСТОН–АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ
NURON

Юридик ва жисмоний шахслар диққатига !

«NG SERVICE» КК дунёнинг қуйидаги машҳур компанияларининг сервис-маркази ҳисобланади: Hewlett-Packard, EPSON, APC, Fujitsu SIEMENS Computers, LG, Canon, Xerox, MASTER GUARD.

Сервис-марказ
кафолатли, кафолат муддатидан кейинги таъмирлаш, компьютерлар, принтерлар, UPS, нусха кўчириш техникасига хизмат кўрсатиш ҳамда локал-ҳисоблаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш ишларини бажаради.

Шунингдек,
етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг асл (оригинал) бутлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материалларини улгуржи-чакана савдосини ҳам бажаради.

Ўзбекистоннинг 12 минтақасида филиалларимиз мавжуд.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 2-уй.
Мўлжал: Авиасозлар саройи.
Телефонлар: 194-57-85, 194-57-87, 199-50-22, 199-52-84.
E-mail: support@nuron.uz

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Вид деятельности — проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы охраны периметров
Навигационные системы

Geoquip WORLDWIDE

Охрана трубопроводов
Безопасность перевозок
Контроль местонахождения транспортных средств
Контроль расхода топлива

ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site:www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, университет фахрий профессори
Александр Сергеевич ДАНИЛОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти жамоаси Тиббиёт илмий таҳририяти илмий муҳаррири Зулфия Ғуломовага волидаси муҳтарамаси
ПЎЛАТОЙ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзқишлоқэлектрқурилиш» ОАЖ бошқаруви ва меҳнат жамоаси жамият кузатув кенгаши аъзоси, «Ўзбекэнерго» ДАКнинг «Ўзэлектртармоқ» унитар корхонаси бош директори ўринбосари Одилжон Дониёровга рафиқаси
Фотима ДОНИЁРОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан знёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 23456